



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ.

Тиллаев Икром Рустамжонович

Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19435354>

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар илмий жиҳатдан асосланади. Шунингдек, тизимни такомиллаштириш орқали аҳоли розилигига эришиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари ёритилган.


Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, жамоат хавфсизлиги, аҳоли фикри, баҳолаш тизими, хизмат самарадорлиги

Замонавий жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси институти алоҳида аҳамият касб этиб, у нафақат содир этилган ҳуқуқбузарликларга муносабат билдириш, балки уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Шу жиҳатдан, профилактика фаолияти жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали ва устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда¹.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида профилактика инспекторлари алоҳида ўрин тутаяди. Улар аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлувчи, ҳудудлардаги ижтимоий муҳитни чуқур ўрганувчи ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи асосий субъект сифатида фаолият юритади². Профилактика инспекторларининг фаолияти нафақат ҳуқуқий, балки

¹Лесько Н.В. К вопросу определения термина «профилактика правонарушений среди детей»// Международный научно-исследовательский журнал. 2012 № ФС 77 – 51217.

²Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). Илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2022. – Б. 128.; Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018. – Б. 42-44..





ижтимоий-психологик жиҳатларни ҳам қамраб олади. Чунки улар фуқаролар билан ишлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ижтимоий муаммоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Шу билан бирга, амалдаги тизим таҳлили профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, уларнинг фаолиятини баҳолашда жазоловчи ёндашув устуворлиги, ортиқча бюрократик жараёнлар, аҳоли билан самарали мулоқот механизмларининг етарлича ривожланмаганлиги ҳамда тажрибали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши каби ҳолатлар мазкур соҳада тизимли ислоҳотларни амалга ошириш заруратини юзага келтирмоқда.

Тадқиқотларда қайд этилганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш, унинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг мақомини кучайтириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги, адолатли ва натижадор мезонларини жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади³. Айниқса, профилактика фаолиятида аҳоли фикрини инobatга олиш, жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш ва “халқчил давлат” тамойилини амалга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан, мазкур мақоланинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги мавжуд муаммоларни комплекс таҳлил қилиш, профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарадорлигини баҳолашда аввало кадрлар салоҳияти, уларнинг таркибий тузилиши ҳамда хизмат фаолиятининг ташкилий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади⁴. Амалдаги статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, жами профилактика инспекторларининг 99,3 фоизи жамланган бўлиб, шундан 0,7 фоизи жамланмаган. Бироқ мазкур кўрсаткич тизим барқарорлиги ва

³Амиров З.Х., “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш”. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2023. – Б.88...;Турсунов А.С, Фазилов И.Ю, Хўжақулов С.Б., Гофуров Ш.Р. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик / Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – б. 155-156.

⁴ Саиткулов Қ.А., “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш” // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган Диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2020. –Б.80-90.





самарадорлигини тўлиқ таъминлаш учун етарли эмаслигини айрим омиллар орқали кузатиш мумкин.

Хусусан, 8 фоизга яқин ходимларнинг хизматдан кетганлиги кадрлар кўнимсизлиги муаммоси мавжудлигини кўрсатади. Илмий нуқтаи назардан қаралганда, кадрлар айланувчанлигининг юқори даражаси ташкилот фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки бу ҳолат тажриба ва институционал хотиранинг йўқолишига олиб келади. Шунингдек, 20 йилдан ортиқ хизмат стажига эга ходимлар 2,1 фоизни, 25 йилдан ортиқ стажга эга ходимлар эса атиги 0,7 фоизни ташкил этиши тизимда юқори малакали ва бой амалий тажрибага эга кадрлар улуши нисбатан кам эканлигини англатади. Бу эса мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда касбий салоҳият етишмаслиги хавфини юзага келтиради.


Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспекторлари фаолиятига нисбатан аҳоли орасида шакланган муносабат ҳам тизим самарадорлигига бевосита таъсир қилмоқда⁵. Хусусан, уларнинг кўпроқ жазоловчи субъект сифатида қабул қилиниши профилактика фаолиятининг моҳиятига зид ҳолат бўлиб, фуқаролар билан ишончли муносабатлар ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда. Ижтимоий психология нуқтаи назаридан, давлат органларига нисбатан ишонч даражаси паст бўлган шароитда профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлиги сезиларли даражада камаяди.

Бундан ташқари, инспекторлар фаолиятини баҳолашда асосан жазо қўллаш кўрсаткичларига устувор аҳамият берилаётгани уларнинг иш фаолиятида номутаносибликни келтириб чиқармоқда. Яъни, профилактика вазифаси иккинчи даражага тушиб, ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейинги реактив чоралар устувор аҳамият касб этмоқда. Илмий адабиётларда қайд этилганидек, профилактика тизимида проактив ёндашув устувор бўлиши лозим, акс ҳолда тизимнинг умумий самарадорлиги пасаяди⁶.

Ташкилий жиҳатдан ҳам қатор муаммолар кузатилмоқда. Жумладан, бир инспекторнинг кунлик иш вақтининг камида 2 соати профилактик

⁵ Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). Илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2019. – Б. 200.

⁶ М.Ш. Махтаев., “Криминалистическое обеспечение предупреждения преступлений” // Учебное пособие. 2025.–Ст.50-120.; З. Н.Сафина, М. М. Шамсутдинов “Нормативно-правовые основы правоохранительной деятельности в Российской Федерации”. //Учебное пособие. 2014.–Ст.200-260.; О.П. Колченогова ва Н.А. Легенченко – “Профилактика преступлений: курс лекций”. Академия МВД, Беларусь, 2014.–Ст.260.; З. У.Алауханов ва З.С.Зарипов – “Профилактика преступлений”. Учебник. Алматы, 2008. –Ст.300.





йиғма жилдлар юритишга сарфланаётгани ортиқча бюрократик юкломани англатади. Бу ҳолат инспекторларнинг асосий вазифаси аҳоли билан ишлаш, муаммоларни жойида ҳал этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини чеклаб қўймоқда. Замонавий бошқарув назариясига кўра, ходимларнинг вақт ресурсларидан самарали фойдаланиш ташкилот натижадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, узоқ йиллик тажрибага эга ходимларнинг хизматдан кетиш ҳолатлари ортиб бораётгани тизимда мотивация механизмлари етарлича самарали эмаслигини кўрсатади. Тажрибали кадрларни сақлаб қолиш ва уларнинг билим ҳамда кўникмаларини ёш ходимларга узатиш тизими йўлга қўйилмагани кадрлар сиёсатидаги жиддий камчилик сифатида баҳоланиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида кадрлар сиёсати, баҳолаш мезонлари ва ташкилий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс ислоҳотларни амалга ошириш зарур. Акс ҳолда, мавжуд муаммолар тизим самарадорлигининг пасайишига ва жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчи: Инсон омили нуқтаи назаридан қаралганда, профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлиги, коммуникатив кўникмалари ва ижтимоий-психологик компетенциялари етарли даражада ривожланмаган ҳолатлар кузатилмоқда. Ҳолбуки, профилактика фаолияти фақат ҳуқуқий билимлар билан чекланиб қолмасдан, балки аҳоли билан ишончли мулоқот ўрнатиш, низоли вазиятларни бартараф этиш ва ижтимоий **муаммоларни** дастлабки босқичда аниқлаш каби кўникмаларни ҳам талаб этади. Шу нуқтаи назардан, инспекторларнинг фаолиятида “жазоловчи орган вакили” эмас, балки “жамоат билан ҳамкорлик қилувчи маслаҳатчи ва кўмакчи субъект” сифатидаги ролини кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Иккинчи: Аҳоли билан мулоқот маданиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги ҳам тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат органларига нисбатан ишонч даражаси кўп жиҳатдан уларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва фуқаролар билан самарали коммуникациясига боғлиқ. Профилактика инспекторлари томонидан аҳоли билан мулоқотда асосан расмий ва бирёқлама ёндашув устувор бўлиб, бу эса ўзаро ишонч муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Натижада, фуқаролар профилактик





тадбирларда фаол иштирок этмаслиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокининг пастлиги кузатилади.

Учинчи: Хизмат самарадорлигини баҳолаш механизмлари таҳлили эса мазкур тизимдаги энг асосий муаммолардан бирини очиб беради. Амалда инспекторлар фаолияти кўпроқ жазо қўллаш, маъмурий баённомалар тузиш ва ҳуқуқбузарликларни қайд этиш кўрсаткичлари асосида баҳоланмоқда. Бу эса профилактика фаолиятининг моҳиятига зид равишда реактив ёндашувни кучайтириб, проактив чора-тадбирларнинг аҳамиятини пасайтиради. Илмий ёндашувларга кўра, самарали профилактика тизимида асосий эътибор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавф омилларини бартараф этиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Тўртинчи: мавжуд баҳолаш тизими инспекторларнинг фаолиятини бир томонлама акс эттириб, уларнинг аҳоли билан ишлаш самарадорлиги, профилактик тадбирлар натижадорлиги ва жамоатчилик фикри каби муҳим кўрсаткичларни инобатга олмайди. Бу эса ходимларда мотивациянинг пасайишига, ишга нисбатан формал муносабат шаклланишига ва умумий самарадорликнинг тушишига олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш комплекс ёндашувни талаб этади. Хусусан, инсон омилини ривожлантириш, коммуникация маданиятини ошириш, шунингдек, хизмат самарадорлигини баҳолашнинг адолатли ва кўп омилли тизимини жорий этиш орқали профилактика фаолиятининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига эришиш мумкин.

Юқорида келтирилган муаммолар таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда. Мазкур йўналишда ислоҳотларни амалга ошириш комплекс ва тизимли ёндашувни талаб этади. Шу мақсадда қуйидаги илмий асосланган **таклиф ва тавсияларни** илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мақомини қайта кўриб чиқиш ва уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш зарур. Хусусан, уларнинг фаолиятини аҳоли билан яқин ҳамкорликка йўналтириш мақсадида “Халқ офицери” ёки “Ҳудуд офицери” институтини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ёндашув профилактика инспекторларини фақат назорат қилувчи субъект эмас, балки аҳоли муаммоларини ўрганувчи, уларни ҳал этишда кўмаклашувчи ва





жамоатчилик билан ишончли мулоқот ўрнатувчи институт сифатида қайта шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, инспекторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Амалдаги жазоловчи кўрсаткичларга асосланган баҳолаш тизими ўрнига кўп омилли ва натижага йўналтирилган баҳолаш мезонларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аҳоли фикри, жамоатчилик билан ҳамкорлик даражаси, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган тадбирлар самарадорлиги ҳамда ҳудуддаги криминоген вазиятнинг барқарорлиги каби кўрсаткичлар устувор аҳамият касб этиши лозим. Илмий ёндашувларга кўра, айнан шундай индикаторлар профилактика фаолиятининг ҳақиқий натижадорлигини акс эттиради.

Учинчидан, профилактика инспекторлари фаолиятида мавжуд бўлган ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, профилактик ҳисобга олиш ва ҳужжат юритиш тизимини рақамлаштириш, ягона электрон платформаларни жорий этиш орқали инспекторларнинг вақт ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мумкин. Бу эса уларнинг асосий вазифаси — аҳоли билан ишлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган амалий фаолиятга кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради.

Тўртинчидан, узоқ йиллик хизмат стажига эга бўлган профилактика инспекторларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш зарур. Хусусан, улар учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кучайтириш, хизмат давомийлигига қараб қўшимча имтиёзлар жорий этиш, шунингдек, уларнинг амалий тажрибасидан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тажрибали кадрларни сақлаб қолиш ташкилот самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур таклифларни амалга ошириш жараёнида хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва миллий шароитга мослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таклиф этилган чора-тадбирларни амалга ошириш профилактика инспекторлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб,





жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантиришга имкон яратади. Мазкур чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

профилактика инспекторларининг ижобий имижи шаклланади;

инспекторлар фаолиятининг самарадорлиги ошади;

аҳоли билан ҳамкорлик мустаҳкамланади;

жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими янада такомиллашади;

аҳоли розилигига эришилади.

Юқорида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ва ажралмас шарти ҳисобланади. Мазкур тизимнинг самарали фаолият юритиши нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда давлат органларига нисбатан ишончни оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини изчил такомиллаштириш, унинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

